O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

2001 йил 12 октябрь жума

Сотувда эркин нархда № 209 (2771)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

# ТИНЧЛИКНИ АСРАШ — МУҚАДДАС БУРЧ

**Қатъий қароримиз:** *Ватанимизни кўз қорачиғидек асраб, элимиз, юртимиз шаънини, ор-номусимиз,*



*мунис оналаримиз, аёлларимиз ва қизларимизни ҳимоя қилиб, матонатли миллат, буюк ва жасоратли халқ бўлиб яшаш.*

*Шарҳловчи нигоҳи*

## Шубҳанг бўлса, келиб кўр!

Раҳматли бувам кўп такрорларди: "Ҳеч қачон ёлғон гапирма, болам. Нафақат ёлғон, балки бирор масала хусусида гумонинг бўлса ҳам аниқ биламан, деб айтмагин. Чунки суҳбатдошинг бу фикрга ўзининг ёлғонини қўшиб дўсти, танишига етказади. Қарабсанки, ҳеч қаерда ҳеч гап йўғу шов-шув, уйдирма пайдо бўлади. Бу эса тинчгина меҳнат қилаётган одамларнинг хавотирланишига, кўнглига ғулғула солишига, турли хаёлларга боришига сабаб бўлади. Шунинг учун ҳам қадимдан иғвогарларни қаттиқ жазолашган".

Баъзи хорижий оммавий ахборот воситалари, хусусан, россиялик ҳамкасбларимизнинг халқаро терроризмнинг Афғонистондаги ўчоқларини йўқ қилишга қаратилган ҳарбий операциялар бошланиши муносабати билан билдираётган турфа фикрлари, Ўзбекистондаги вазият ҳақидаги бўҳтонлари, аниқ манбага таянмаган чала ахборотларини эшита туриб, бувамнинг ўгитлари ёдимга тушади. Ва беихтиёр хаёл қиламан: уларнинг бувалари ёлғон гапирма болам, деб ўргатмаган, шекилли. Эмишким, разил террорчиларга қарши дунё ҳамжамияти билан биргаликда очиқ курашадиган бўлсак, улар бизга қарши жиҳод эълон қилар эмиш. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон ҳарбий кучларини жанубий чегараларига тўплаб, маҳаллий аҳолини хавфсиз ҳудудга кўчираётганмиш.

Энг аввало, шуни таъкидлаш жоизки, бундай тарздаги қўрқитиш, дўқ-пўписаларнинг даври аллақачон ўтиб кетган. Иккинчидан, ҳар хил фитналар уюштириш — террорчиларнинг қуроли эканлигини яхши биламиз. Учинчидан эса, мамлакатимизнинг дахлсизлигини ўз кучимиз билан ҳимоя қила оламиз. Алоҳида таъкидлайдиган томони, бунинг учун республикамизнинг барча ҳарбий кучларини чегара ҳудудларига йўналтиришнинг сираям ҳожати йўқ.

Бу гапларни миллий армиямиз сафидан яқиндагина заҳирага бўшаган, Ўзбекистоннинг ҳарбий қудратидан, салоҳиятидан маълум маънода хабардор, тенгдошларимнинг ватанпарварлик фазилатларига, шижоати ва мардлигига бевосита гувоҳ бўлган киши сифатида айтаяпман.

Биргина мисол. Шу йилнинг баҳор ва ёз ойларида Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмита таркибидаги ҳарбий бўлинмаларнинг жанговар-ўқув машқлари босқичма-босқич ўтказилди. Қизиғи шундаки, мазкур машқлар Сариосиё ва Узун туманларининг тоғли ҳудудларида ташкил этилгани боис, ўшанда ҳам айрим хорижий оммавий ахборот воситаларида турли уйдирмалар пайдо бўлганди. Давлатимиз раҳбари бундай информацион хуружларга барҳам бериш ва халқимизнинг кўнглини хотиржам қилиш учун барча журналистларни машқларни бевосита кузатишга таклиф қилдилар. Ана шундай кузатувчилар орасида ушбу сатрларнинг муаллифи ҳам бор эди. Тилга олганимиз машқларнинг нима мақсадда ўтказилгани эса "Халқ сўзи" саҳифаларида кенг ёритилгани газетхонларнинг ёдидан чиқмаган бўлса керак.

Кўплаб ҳарбийлар билан суҳбат қурганман ўшанда. Наманган вилоятининг Шўрқўрғон қишлоғилик сержант Нодирбек Аҳмаджоновнинг ёниқ фикрлари ҳозир ҳам қулоғимда жаранглаб турибди:

— Йигитлик ғururимиз, юрагимизда она юрт туйғуси, билагимизда кучимиз бор экан, тинчликни сақлашга, Ватанимиз дахлсизлигига хавф соладиган кучларга қарши курашишга тайёрмиз!

Кичик сержант Баҳодир Файзиев Пешку туманида туғилиб ўсган. Елкаларининг кенглигидан чинакам баҳодирлигини илғаш қийин эмас бу йигитнинг. Полвонларга хос вазминлик билан сўзлайди у:

— Оилада бешта фарзандмиз. Уч ўғил, икки қиз. Ҳаммасини жонимдан ортиқ кўраман. Қани уларни биров хафа қилиб кўрсинчи!? Бу гапларни айтаётганимнинг сабаби шундаки, мен Ватанимни ҳимоя қилсам, ота-онамни, сингилларимни ҳимоя қилган бўламан. Бугунги машқлар эса ана шу бурчимизни аъло даражада бажариш учун маҳорат ва тажрибани орттириш лозимлиги боис ўтказилаяпти. Ҳудудимизга суқулиб кирмоқчи бўлган ғаламисларни нима қийнаётганини айтайми сизга? Кўролмаслик. Ўзбекистон ўзининг армиясига эга бўлди. Машина, самолёт чиқараяпти. Ҳай, уларни қўя туринг. Бизнинг тумандан чиққан фермер дунё кезиб юрибди. Чет элдаги шериклари билан инглиз тилида гаплашади, компьютерда ишлайди. У тадбиркорлиги туфайли бойиди, мулкдор бўлди. Тоғнинг нариёғида изғиб юрганлар шу бойликларга эга бўлсам, дейди. Лекин чучварани хом санашаяпти. Уларнинг дағдағасидан қўрқадиган йигит йўқ.

Энди уйдирма тўқиётган хорижий ҳамкасбларим танасига бир ўйлаб кўрсин. Чегарамизда шундай ўғлонлар турган экан, у ерда барча кучларимизни тўплашга не ҳожат? «Маҳалий аҳолини кўчираётганмиш», қабилидаги соғлом инсонни ишонтириб бўлмайдиган бўҳтонларга-чи? Ёки улар етти иқлим ҳукмдорлигини даъво қилган Чингизхоннинг қуйидаги эътирофини эсидан чиқаришганми: "Киройи Жалолиддиндек ўғлинг бўлса, катта қўшин на керак!". Ахир биз Амир Темур, Жалолиддин Мангуберди сингари буюк зотларнинг авлодларимиз. Гапнинг лўндаси шу. Ўзбекистондаги осойишталикка шубҳаси бўлган мухбир аввал келиб кўрсин, бу юртдаги оловқалб ёшларнинг сўзларига қулоқ солсин, ана ундан кейин айтсин фикрини.

— Америка Қўшма Штатларининг тоғли ҳудудларда жанг қилишга мослаштирилган 10-ўқчи дивизиясининг аскарлари Ўзбекистонга келтирилди, деб тарқатилаётган маълумотлар бўҳтондан ўзга нарса эмас, — дейди Мудофаа вазирлиги матбуот хизмати раҳбари, подполковник Комил Жабборов. — Бизнинг ҳудудимиздан Афғонистонга қарши ердан жанговар операциялар амалга оширилишига йўл қўйилмаслиги Президентимизнинг Баёнотида аниқ-тиниқ кўрсатилган. Шундай экан, мамлакатимизга ташқаридан қўшин киритилиши ҳақида гап бўлиши мумкин эмас.

Куни кеча яна бир "янгилик" тарқатилди. Толибларнинг Ўзбекистонга ҳужум қилишга шайланган бир неча минг кишилик қўшини орқага қайтиб кетганмиш. Ёлғон ҳам эви билан-да, ахир. Аслида келтирилмаган қўшин қандай қилиб орқага қайтиши мумкин. Эҳтимол, бу ёлғон ахбороти фош бўлган журналистларнинг ўз сўзидан қайтишидир.

**Озод РАЖАБОВ,**
**"Халқ сўзи" шарҳловчиси.**

*Терроргчилик XXI аср вабосига айлангани бугунги кунда ҳеч кимга сир эмас. Бас, шундай экан, ҳеч бировимиз унга лоқайд ва беписанд қарамаслигимиз керак. Бу борада маҳалла ва қишлоқлар фаоллари, зиёлилар, уламолар ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари ташаббускорлик кўрсатишлари зарур.*

*Таҳририятга мактуб*

## Бепарволик — иллат

Улар турли давралардаги, радио-телевидение, газеталар орқали чиқишларида террорчиликнинг, у билан чамбарчас боғлиқ диний ақидапарастликнинг, наркобизнеснинг асл моҳиятини, ғараз мақсадини, инсоният ҳаётида қолдирадиган оғир асоратларини аниқ мисоллару далиллар асосида тушунтириб беришлари зарур. Шу билан бир қаторда, айрим хорижий матбуот нашрлари қўшни Афғонистондаги воқеалар баҳонасида Ўзбекистонга нисбатан ёғдираётган бўҳтон ва уйдирмаларни фош этишга ҳисса қўшишлари лозим.

Энг муҳими, тинчликни сақлаб қолиш барчамизнинг муқаддас бурчимиз эканлигини омма, айниқса, ёшлар онгига чуқур сингдириш даркор. Акс ҳолда, Истиқлолга эришиш йўлидаги заҳматларимиз ва машаққатларимиз зое кетади. Бепарволикка ва боқибеғамликка йўл қўйганларни келгуси авлодлар асло кечирмайдилар.

**Абдусаид АБДУҲАМИДОВ,**
**бригада бошлиғи.**
**Бекобод.**

*Ўтган ойнинг бошларида Америкада рўй берган мислсиз фожеа бундан икки йил аввал терроризм даҳшатини бошдан кечирган дилбар Фарғонанинг жанубий сарҳадлари аҳолисини ҳам сергак торттирди. Бугун улар Афғонистонда макон қуриб олган террорчилар, бузғунчилар, олчоқларнинг маконларини таг-томири билан йўқотиш учун бошланган кураш жараёнини ҳушёрлик билан кузатиб туришибди. Мухбиримиз водийни Сўх воҳаси, Боткен вилояти билан боғлаб турувчи Риштон чегара масканида бўлиб, бир неча ёшлар билан суҳбатлашди.*

*Чегарада олинган интервью*

## Ҳамиша зийракмиз

**Акбарали Яминов — Ўзбекистон туманидаги Каримдевона қишлоғида истиқомат қилувчи фуқаро:**

— Шундоқ қишлоғимиз боғларига туташиб кетган адирликка кўтарилсак, қўшни Қирғизистоннинг Боткен воҳаси кафтдек кўриниб туради. Бундан икки йил аввал қир ортида бир гуруҳ ватанфуруш, олчоқлар тинчимизни бузиб, ҳаётимизга таҳдид солиб юришганида кечаси-ю кундузи ҳаловатимиз йўқолганди. Юртбошимиз Афғонистондаги воқеалар муносабати билан берилган Баёнотда «терроризмнинг даҳшатли оқибатларини Ўзбекистон халқи, бу ерда яшаётган инсонлар бевосита ўз ҳаёти, ўз тақдири мисолида яхши билади», дея таъкидлайдилар. Биз бу фикрларнинг нақадар ҳаққоний ва ҳаётийлигини қишлоғимиз мисолида яхши биламиз.

Президентимиз Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги мухбири билан суҳбатда таъкидлаганларидек, ҳушёрлик, огоҳ бўлиб яшаш — бу бир кунлик ёки бир ойлик мавсумий масала эмас, балки кундалик иш, кундалик амалий ҳаракат бўлиши лозим. Хуллас, агар Ватан учун керак бўлса, олдинги марраларда мамлакатимиз сарҳадларини ҳимоя қилиш учун метиндек қалқон бўлишга тайёрмиз.

(Давоми 2-бетда).

*Талаба сўзи*

## Аввал Ватан, кейин жон

Биз эндигина катта ҳаёт бўсағасида турган навқирон ёшлармиз. Мустақил Ўзбекистонимиз бағрида билимнинг янги чўққилари сари интиляпмиз. Ана шундай бир пайтда она-Ватанимиз тупроғига туташ қўшни Афғонистонда вазиятнинг нотинч бўлиб туриши барча тенгдошларим қатори мени ҳам зийрак ва тийрак бўлишга ундамоқда. Ишончим комилки, жафокаш афғон халқи ер юзидаги эзгу ниятли, соғлом фикрли кучларнинг саъй-ҳаракати билан террорчилар тазйиқидан халос бўлади. Бу заминдаги тинч аҳолининг кўнглига қутқу солаётган, айни пайтда дунё ҳамжамияти билан биргаликда очиқ курашаётганлигимиз учун бизга ҳам кўз олайтираётган разил террорчилар муносиб жазосини оладилар.

Тенгдошларимнинг фикри якдил: она-Ватанимиз тупроғини ҳимоя қилиш, мовий осмонимиз мусаффолигини сақлаш учун, керак бўлса, жонимизни беришга тайёрмиз.

**Заҳро ТУРИКОВА,**
**Тошкент тиббиёт билим юрти талабаси.**

## РЕСПУБЛИКА КОМИССИЯСИНИНГ ЙИҒИЛИШИ

**Бекобод шаҳридаги "Ўзбекистон металлургия комбинати" акционерлик-ишлаб чиқариш бирлашмасида қора ва рангли металл парчалари, чиқиндиларини йиғиш ва қайта ишлашга топширишни назорат қилиш ҳамда мувофиқлаштириш бўйича республика комиссиясининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда тегишли вазирликлар, корхона ва ташкилотлар, ҳудудий бошқарув органлари, металл хомашёсини тайёрлаш билан шуғулланувчи бошқа муассасалар раҳбарлари иштирок этди.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси, мазкур комиссия раиси И.Жўрабеков бошқарган йиғилишда комиссиянинг ҳудудий бошқармалари ва тегишли ташкилотларнинг рангли металл тайёрлаш бўйича ўтган тўққиз ой давомида амалга оширган иш натижалари муҳокама этилиб, бу борадаги хато ва камчиликларни бартараф этиш чора-тадбирлари белгилаб олинди.

Йиғилишда таъкидланганидек, мамлакатимиз саноати тараққиёти учун зарур хомашё — қора ва рангли металл парчаларини тўплаш ойлик топшириққа асосан бажарилган. Аммо бу борадаги ишларни ҳамма жойда ҳам бирдек амалга оширилаяпти, деб бўлмайди. Негаки республикамиз ҳудудида қора ва рангли металл парчаларини кўплаб тўплаш имконияти мавжуд. Жойларда қимматбаҳо металл чиқиндиларини кўплаб учратиш мумкин. Афсуски, айрим мутасадди раҳбарларнинг лоқайдлиги боис уларни йиғиб, металлургия комбинатига пешма-пеш жўнатиш ишлари суст кетмоқда.

Йиғилишда тегишли вазирлик, қўмита, ташкилот ҳамда вилоятларнинг мутасадди раҳбарларига қора ва рангли металл парчаларини йиғиб топшириш борасидаги режаларнинг ўз вақтида бажарилишини таъминлаш бўйича зарур кўрсатма ва топшириқлар берилди.

**(ЎзА).**

*Олий Мажлисда*

## Она ва бола саломатлиги

### бугуннинг энг муҳим вазифаси

Кеча Олий Мажлисда Ижтимоий масалалар ва бандлик қўмитасининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда «Аёллар ва болалар соғлиғини муҳофаза қилишга қаратилган Ўзбекистон Республикаси қонунларининг Қашқадарё вилоятида ижро этилиши ҳақида»ги масала муҳокама қилинди. Йиғилишни қўмита раиси Машкура Сафаева олиб борди.

Бу борада вилоятда муайян ишлар амалга оширилаётганини, шу билан бирга анчагина камчиликларга ҳам йўл қўйилаётганини маърузачи ва сўзга чиққанлар алоҳида таъкидлаб ўтишди. Айтиш керакки, асосий эътибор мавжуд нуқсонларнинг келиб чиқиш сабаблари ва уларни бартараф этишга қаратилди.

Йиғилишда таъкидланишича, ижтимоий аҳамиятли касалликларнинг олдини олиш борасида бажарилаётган ишларга қарамасдан, айрим хасталиклар кўпайиб бораяпти. Вилоятда сил касаллигига қарши тадбирлар ишлаб чиқилган. Бироқ 2000 йилда флюорография кўригидан ўтиши шарт бўлган беморларнинг 43,8 фоизи, туғиш ёшидаги аёлларнинг 12,9 фоизигина бу тадбирга жалб этилган. Баҳористон туманида бирор киши ҳам бундай кўрикдан ўтказилмаган. Бу борадаги кўрсаткич Чироқчи туманида 1,6 фоиз, Деҳқонобод туманида 3,8 фоизни ташкил этган, холос.

Вилоят марказида очилган алкоголизм ва гиёҳвандликка ружу қўйган беморларни мажбурий даволаш бўлими моддий-техник жиҳатдан таъминланмаган. Ҳатто жиҳозлар ва керакли дори-дармонлар келтирилмаган.

Қўмита томонидан масалани ўрганиш чоғида вилоятда ҳомиладор аёлларни ўз вақтида ҳисобга олиш, экстрагенетал касаллигига дучор аёлларни соғломлаштириш ишлари ҳам етарли эмаслиги аниқланди. Қарши шаҳри ва Қарши тумани туғруқхоналарида кўзи ёриган аёлларнинг деярли 90 фоизида камқонлик ва гестоз касаллиги кузатилган. Ана шундай аёллардан туғилган касалманд чақалоқларни соғломлаштириш ишлари қониқарсиз. Оналар ва гўдаклар ўлимининг сабабларини чуқур таҳлил қилишга етарли эътибор берилмаган.

Вилоят прокуратураси томонидан соғлиқни сақлаш тизимининг 2000 йил давомидаги фаолияти ўрганилганда қонун бузилиши ҳолатлари аниқланган.

Вилоятда йод етишмовчилигининг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар ҳам талаб даражасида эмас. Ногирон аёллар ва болаларни реабилитация қилиш ишлари суст олиб борилмоқда.

Йиғилиш сўнггида Қашқадарё вилояти соғлиқни сақлаш тизимида мавжуд камчиликларни бартараф этиш юзасидан мутасадди ташкилотлар томонидан зарур чора-тадбирлар белгиланиши таъкидланди, муҳокама этилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

**Абдурасул САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**



*Инсон ўз меҳнатидан рағбат топса, ишида унум, самара, энг асосийси, сифат бўлади. Ҳорғинлигу чарчоқ чекинади. Кувасойдаги «Кварц» акциядорлик жамиятида ишловчи уч мингга яқин ходимнинг қай бири билан суҳбатлашманг, меҳнатларидан қониқишни туясиз. Тўғри-да, ойлик маош ўз вақтида берилса, меҳнатинг тўғри баҳоланса, бепул иссиқ овқат, соғломлаштириш ва даволаш марказлари хизматингда бўлса, ишламай бўладими?*

*Ҳозирда «Кварц»да беш турда 2 мм-12 мм қалинликдаги ҳар хил рангли ойна ишлаб чиқарилаётир. Ойнага эҳтиёж эса ҳамиша юқори.*

**СУРАТДА:** «Кварц»нинг фахрий ишчиси, ёшлар устози Абдуманноп Бултиров цехда.

**Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.**

**Бугуннинг гапи**

***Терроризмнинг тарихи узун. Инсоният тарихи каби. У доим цивилизация ва тараққиётнинг кушандаси сифатида майдонга чиққан ва замонлар ўта-ўта тобора қабиҳлашиб, тобора маккорона тус олиб борган. Қўйинг-чи, манфур Ахриман ер юзига тушибдики, терроризм бор ва у инсоннинг борлиғини ташкил этган ёруғликка қарши курашади, замин коргоҳларидан нур ва машъалаи ақлни ўчиришга ҳаракат қилади. Бу ҳали инсоният тарихи бошланмасдан илгариги замонларда эди. Узоқ цивилизация тарихи терроризмнинг турли-туман шакл ва кўринишларига интиҳосиз қонли фожиаларда гувоҳ бўлди. Лекин ҳозир энг оммавий тус олган терроризм узоқ замонлар қаърида эмас, баайни XX асрнинг биринчи чорагида юзага чиқди ва урф бўлди. Ленин дегани худди шу даврда чиқди ва ер юзида тараққиёт йўлларини ўзгартириб, ҳамма тарихий ҳодисаларни остин-устун қилишга киришди. Дунёнинг барқарорлиги бузилди. Босиб олиш, вайрон қилиш, маҳрум қилиш деган балолар авжга минди. Буларни сўнгроқ бин Лодин деғани чиқиб, ўзига тўла-тўкис қурол ҳамда восита қилиб олди. Лениндан бин Лодингача терроризм жуда даҳшатли, қонли можаро ҳамда мислсиз фожиалар билан тўлган уқубатли йўлларни босиб ўтди.***

# Терроризм — офат...

## Чораси — биргаликда кураш

Инсоният кўриб, ишонч ҳосил қилиб турибди: бин Лодин ёлғиз эмас. У кўп бошли шафқатсиз илоннинг фақат битта заҳарли калласи. Кейинги чорак аср давомида инсоният бу ёвуз илоннинг на барча боши ва на барча думини топишга қийналиб турибди. Бу топилмайди дегани эмас. Топилади. Ва инсоният ўз тарихининг янги бир омонлик даврига киради.

Лекин унгача... 1999 йил 16 февралда Тошкентда, кейинчалик АҚШ элчихоналари остонасида бомбалар портлатилди. Қанчадан қанча бегуноҳ одамлар қурбон бўлди. Мисрдаги қадим Луқсурда қанчадан қанча бегуноҳ сайёҳларнинг қони тўкилди. Шотландиянинг Локерби шаҳри осмонида "Панамерикен" авиакомпаниясининг самолёти барча йўловчилари билан бирга портлатиб юборилди. Болқон минтақаси, Чеченистон, Жазоир, Ливан, Фаластин, Афғонистон, Тожикистон, Индонезия, Филиппиндаги қонли фитна ва алғов-далғовлар... Ахир чеки борми бунинг, деб турганимизда 11 сентябрь куни рўй берган мислсиз ваҳшийлик АҚШнигина эмас, бутун ер юзини ларзага солди. Американинг асрлар давомида бунёд бўлиб келаётган демократик пойдорлигини емиришга қаратилган бу жиноят бутун инсоният цивилизациясига қарши очилган уруш ҳаракатлари деб баҳоланди. Халқаро терроризм ўз сурбетлиги ва жаҳолати, шафқатсизлиги ва нафратининг охирги нуқтасига кўтарилгани ошкор бўлди.

Одамнинг жигарига иллат кирса, кўзига ҳеч нарса кўринмай қолади. Иллат шитоб билан жигарни ва бутун тирик организмни емиришга киришади. Терроризм инсониятнинг жигарига кириб олган иллат. У очиқ кўринмайди. Очиқда юрмайди. Унга қарши ўта қатъият билан оқилона курашилмаса, инсониятнинг бутун жигари, тирик тани ишдан чиқиши ҳеч гап эмас. Ҳа, бугун терроризм инсоният жигарида ўтирибди. Инсониятни, унинг ижодкорлик билан яратилган цивилизациясини қаттиқ хавф остига қўймоқда.

Терроризм ўз ҳолига ташлаб қўйилса, чораси кўрилмаса, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Баёнотида таъкидланганидек, ер юзида вабо, офат каби тарқалишга тайёр. У чангалини кенг ва тобора сурбетлик ҳамда қаҳру ҳасад билан ёзаётгани Америка халқига қарши қилинган кечириб бўлмас жиноятларда, мислсиз одамкушликда ўзини тўла кўрсатди.

Бугун, ким бўлмасин, четда бу балонинг манфур ўйинларини томоша қилиб турадиган вақт эмас. Инсоният бу иллат илдизини батамом қуритмагунча эркин, озод, енгил нафас олмайди. Гап таҳдид ва хавф манбаларини бутунлай йўқотиш устида боради.

Терроризмга қарши халқаро миқёсдаги кураш ҳақида гап кетар экан, бу асло бирор муайян мамлакат ёки қайсидир бир халққа қарши уруш ҳаракатлари олиб борилади, дегани эмас. Асло. Гап қайси бир мамлакатда, қайси бир ерда бўлмасин, террористик марказлар, уларни тайёрлайдиган машъум базаларни йўқотиш устида бормоқда. Бунда тинч аҳоли орасида қурбонлар бўлмаслиги ва ҳар жиҳатдан унинг олди олинишига алоҳида аҳамият берилмоқда.

Ўрмонга ўт кетганда ҳўл-қуруқ баробар ёнади, деган ҳикмат бу ўринда жоиз кўринмайди. Ёвуз қора кучлар ўз қилмишлари ва ўз мудҳиш ниятларига кўра жазоланишлари, инсоният олдида жавоб беришлари керак.

Терроризм ўз ҳалокатли мақсадлари йўлида ҳеч нарсани аяб ўтирмаслиги маълум. Жазоирда фундаменталистларнинг ўз халқини неча йиллар ваҳшиёна қирғин қилганини эслайлик. Ўтган йилларда неча ўн минглаб бегуноҳ жазоирликларнинг ёстиғи қуриди. Жазоир фанатиклари ўз халқини аяб ўтирди, дейсизми? Ёки Афғонистоннинг ўзини олинг. Четдан келган террористларга ўз террорчилари ҳамтовоқ бўлиб, мана, қарийб ўн йилдан буён афғон халқини таъқиб ва қувғин, қирғинларга дучор қиляпти.

4 миллиондан зиёд афғонистонлик неча йиллирки, ватандан жудоликда, қувғинда хору зор бўлиб яшашға мажбур. Буларни "толиб" деб аталган террористлар қилмай ўзга ким қилди? Улар бу қувғин, қирғинларга, маданиятга, инсон ҳуқуқларига қарши қилинган мудҳиш жиноятлар учун инсоният олдида жавоб бермаса, ким жавоб беради? Улар Афғонистонни халқаро терроризмнинг базаси ва истеҳкомига айлантириб олди. Афғон халқи шундай ваҳшийликнинг энг биринчи қурбони бўлди. Халқаро ҳамжамият эндиликда жафокаш ва мусибатзада афғон халқига ҳар томонлама мадад қўлини чўзмоқда.

Терроризм, фанатизм, жаҳолат ҳозирги замонда ўз ҳолига ташлаб қуйиладиган ҳодиса эмас. Чунки бу ваҳший, бадбашара куч энг замонавий қуроллар билан силоҳланиб олди. Энг замонавий банкларда ўзининг ўта махфий ҳисоб рақамларини очган. Одамзодни хароб қиладиган наркотикларни қўлга киритган ва уни ишлаб чиқариш технологиясини ўзлаштирган. У диний ақидалардан ўта устомонлик билан фойдаланади.

Огоҳлик сўзларига қулоқ тутайлик. Афғонистон ва Тожикистонда биродаркушлик урушлари авжга минганда, Ўзбекистон раҳбари Ислом Каримов ер юзидаги террористик ҳаракатларни синчковлик билан кузатиб, ўзининг "Ўзбекистон XX1 аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари" деб номланган ўта эътиборли, теран фикрли асарини яратган ва унда инсониятни цивилизацияга хавф солаётган фанатизм билан боғлиқ ҳодисалардан оқилона тарзда огоҳлантирган эди. Бу асардаги сермазмун, узоқни кўриб битилган сўзлар, фикрлар бугун янада долзарблик касб этиб турибди. Уларни қайта-қайта ўқиб, мағзини чақишимиз керак. Чунончи, ўша асарида Ислом Каримов дунёнинг энг катта ва ўта хавфли можароси Афғонистонда етилиб келаётгани, инсониятни бошқариб бўлмайдиган танглик қамраб олаётганини ёзган эди. "Бизга боғлиқ бўлмаган ҳолда Ўзбекистон амалда фронт яқинидаги давлатга айланиб қолди", деган эди Ислом Каримов ўша асарида.

Бугун ушбу сўзлар янада ўзгача маъно касб этади. Ўзбекистон бугун терроризм балосини кўрган, бошдан кечирган, унга қарши курашиб келаётган мамлакат сифатида халқаро терроризмга қарши курашнинг олдинги сафида мардона турибди. Ислом Каримов яна ўша асарида тинчлик, барқарорлик ўз-ўзидан сақланиб қолаверади, ривожланаверади, қабилидаги қарашлар калтабинликдан бошқа нарса эмаслигини айтган эди. Шунинг учун ўша асарда ва ундан кейинги чиқишларида, БМТда сўзлаган нутқида (1993), ЕХҲТнинг Истанбул саммитида (1999), давлат раҳбарлари билан учрашувларида терроризмга қарши кураш инсоният олдида долзарб масала бўлиб турганлигига эътиборни қаратиб, террорни унинг манбалари, базалари, қурол-яроғ келтириш йўллари, таъминот усуллари, наркотиклар тарқатиш сўқмоқларидан маҳрум қилиш, буларни бартараф этиш учун террорга қарши курашувчи халқаро марказ тузиш сингари жуда қимматли таклифларни илгари сурган эди.

Бу фикрларини у яқинда Самарқанд ва Жиззах вилоятлари, шунингдек, Тошкент шаҳар халқ депутатлари кенгашлари йиғилишларида сўзлаган нутқларида, АҚШ Президенти Жорж Буш ҳамда Буюк Британия Бош вазири Тони Блэр билан бўлган телефон орқали мулоқотлари ва ёзишмаларида янада чуқурлаштирди, халқаро ҳамжамият ҳамда Ўзбекистоннинг халқаро терроризмга қарши кураши йўналишларини баён қилиб ўтди. 11 сентябрда АҚШда рўй берган воқеалардан сўнг у дарҳол жаноб Бушга ҳамдардлик мактуби йўллаб, "даҳшатли ёвузлик — терроризмга қарши курашда куч-ғайратимизни бирлаштириш муҳимлигини қайта-қайта англаётирмиз. Ўзбекистон бу умумий хавф-хатарга қарши курашда Қўшма Штатлар билан бундан кейин ҳам фаол ҳамкорлик қилишда ўзининг қатъийлигини яна бир бор тасдиқлайди", деган принципиал қимматга эга сўзларни ёзган эди. Юртимиз халқаро ҳамкорликка, кучларни бирлаштиришга қатъият билан интилиб келмоқда. Бу Ўзбекистоннинг терроризмга қарши курашдаги сиёсий йўли, йўналишидир. Бу қатъиятли сиёсат давлатимизнинг манфаатларига, келажагига, халқимизнинг тинч, фаровон, қарамликдан бутунлай холи бўлган ҳаёт қуриш мақсадларига, неча асрлик олижаноб инсонийлик идеалларимизга тўла мос келади.

Халқимиз ўзининг бу инсоний эзгу манфаатларини бирлашиб, бир ёқадан бош чиқариб, ёшу қари бир жону бир тан бўлиб ҳимоя қилайлик ва матонат билан юзага чиқарайлик, деб турибди.

Сарҳадларимизнинг мустаҳкамлиги ва дахлсизлиги доим ақлу иродамизнинг кучи билангина сақланади, ҳурмат уйғотади.

**Иброҳим ҒАФУРОВ,**
**Олий Мажлис депутати.**
**(ЎзА).**

# Юрт тинчлиги — энг буюк манфаат

***Назокату дипломатияни сандиққа ташлаб гаплашадиган пайт келди.***

***Аввал Боёвут туманидаги «Дўстлик» қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Сайдулла Абдуқодиров билан бир мулоқотни айтиб берай. Узоқ йиллар хўжалик раҳбари бўлиб ишлаган, уруш ва урушдан кейинги оғирчиликларни бошидан ўтказган бу инсон бир йиғинда одамларга Афғонистон ва унинг теварагида бўлаётган можароларни шундай муфассал тушунтириб бердики, гўё бир донишманднинг гурунгини тинглагандек бўлдик. Йиғиндан чиққанимизда у менга шундай деди:***

— Одамларга ҳамиша ҳақ гапни, ҳақиқатни айтган маъқул. Бу террорчи қашқирлар ҳақида улар бор гапларни билиб олсалар, ёмон бўлмайди. Ана шунда давлатимиз олиб бораётган сиёсатни, терроризм деган аср вабосини янада теранроқ англайди.

Сайдулла ака ҳақ гапни айтди. Унинг, айниқса, террорчиларни «бўри, қашқир», деб атагани менга ёқди. Зеро, бўри ҳатто ҳайвон ўргатувчиларга ҳам бўйин эгмас эмиш. Негаки, бўриларга одам иси асло ёқмайди. Уларни фақат ўлжа ва қон ҳиди бошқарар экан.

Буни қарангки, ана шу бўрининг қонли панжалари Американинг ҳам юрагига чанг солди. Бўрилар ҳақида илк бор хабар берган Шарқ ҳайқириғига мудроқ сукут билан жавоб берган қитъа бир қалқиб тушди.

Ёруғлик, эзгулик рамзи бўлмиш машъала кўтарган Озодлик маъбудаси инграб юборди. Бу ингроқ, бу нола минглаб-миллионлаб одамларнинг кўз ёшлари, аламлари бўлиб дунёга таралди.

Ҳеч бўлмагандан кеч бўлгани яхши. Оғир тош кўчди. Америка кўзғалди.

Бўрининг на ватани, на дини, на имкони бўлади. Буни қулоғига пахта тиққан жаноблар яхшилаб уқиб олсинлар. Бўри пайт пойлайди. Бўри ўлжа пойлайди. Бўри ҳамиша бўрилигини қилади.

Энди бўрига қарши оёққа турганлар сафига қўшилган Ўзбекистон ҳақида жиртак чолаётган жаноблар диққатига уч оғиз гап. «Табиб табиб эмас, бошидан ўтказган табиб», деган нақл бор. Сўлим Фарғона, гўзал Сурхон тоғларининг ҳам тили, ҳам дили бор. Бу гўшалар бўрининг ҳидини яхши билади. Ўзбекистон ҳамиша ана шу бўри ўзига нисбатан тиш қайраб келаётганлигини сезиб яшади. Тошкент кўчаларида ана шу бўри панжасининг қонли излари бор.

Россия ва хориж матбуотидаги бўҳтону туҳматлар нега пайдо бўлмоқда? Улар кимнинг кўнглига ваҳима уруғини сепмоқчи? Бузоқнинг югургани сомонхонагача, деган гап бор. Қайси чўпон кўтонига оралагаң бўрининг бошини силайди? Ўзбекистонга ўз тинчлиги, фарзандларининг омонлиги, ўзининг эртанги куни нондек муътабар, жондек азиз. Юрт осойишталигидан бўлак буюк манфаат йўқ. Бас, шундай экан, Ўзбекистон ўз тинчлиги учун ҳар қандай эҳтиёт чорасини кўраверади.

Ҳа, биз ўз еримиздан ҳамкорларга жой ажратдик. Бу ҳам яхши ният учун. Москва ойнаи жаҳони мана нима деб хабар тарқатди: эмишки, бу ишга жавобан толибонлар ўзбек-афғон чегарасида ўн минг аскар тўплабди. Эртаси куниёқ бу хабар бўҳтон эканлиги барчага аён бўлди. Бўҳтондан мақсад халқнинг кўнглига ғулғула солиш ва «Фақат биз билан маслаҳатлашиб иш кўринг», деган эски ақидага етаклаш эди.

Яратганга беадад шукурлар бўлсинки, бизнинг ўз ақлимиз, кучимиз ва эътиқодимиз бор. Ҳа, биз кенгашишга, ҳамкорликка, умумёвни бартараф этишга ҳамиша шаймиз. Негаки, «Бўлинганни бўри ер, айрилганни айиқ» деган гапни яхши биламиз. Россия билан эзгу мақсад йўлида эту

**Публицистика**

тирноқмиз. Аммо айтадиган гапининг моҳиятини билмайдиган, подадан олдин чанг чиқарадиган тўртта-бешта чала сиёсатдонлар Россия дегани эмас. Хорижнинг олди-қочди гапларини қулоққа олмаслик ҳам ўзини билганга тўғри йўлдир.

Чорак аср муқаддам афғон халқи тижорату зироат билан машғул эди. Чорва боқиб, пахта экарди. Буни қарангки, одам қиёфасидаги бўрилар ана шу халқнинг, ана шу жафокаш элнинг қўлидан кетмонини, елкасидан чўпон таёғини тортиб олди. Чўпон таёғи ўрнини гиёҳванд модда тўлдирилган халталар эгаллади. Кетмон ўз ўрнини милтиққа бўшатиб берди. Миллион-миллион афғон ана шу бўриларнинг қулига айланди. Гиёҳванд деб аталмиш бадбўйлик дунёнинг тенг ярмига афғон еридан таралаётганлиги кимга сир? Қайси она, қайси ота ўз фарзанди китоб ўқиш ўрнига милтиқ кўтаришини орзу қилади. Қайси падар, қайси модар ўз жигарбандининг гул ўрнига порох искашини ҳавас қилади? Жафокаш элни бу маҳдудлик ботқоғига ким ботирди? Доллардан от миниб, минглаб бегуноҳ одамларнинг қонини кечиб юрганлар эмасми? Уларнинг мақсади фақат пул. Уларнинг орзуси фақат ном орттириш. Уларнинг нияти одамларни қўрқувда ушлаб туриш. Уларнинг интилиши фақат ҳукмронлик қилиш...

Ҳатто пашшага ҳам озор берма! Мўмин-мусулмонга қайиш! Бегуноҳнинг қонини тўкма! Мана ислом дунёсининг бош ўгитлари. Мусулмоннинг қўли меҳнатда, дили Оллоҳда бўлмоғи шарт.

Бўрилар Афғонистонда бўладими, Европада бўладими, Америкада бўладими, барибир бўридир. Буни бир лаҳза ҳам унутиб бўлмайди.

Бўрилар бор жойда қуёш юзини булутлар қоплайди. Бўрилар уя қурган мамлакатда болалар илму урфон эмас, милтиқ отиш машқини олишади. Бўрилар билан яшашнинг энг даҳшатли нуқтаси мана шу. Бўрилар ўз тўдасига қўшилмаганларни ғажишга шай турадилар. Уларга бағридан жой берганларнинг жони ҳам, моли ҳам, бугунги куни ҳам талонда бўлади.

Бирон бир ўзбек қўшнисига ёмонлик соғинмаган. У ҳамиша бир товоқ овқатини ҳамсоясига илиниб келган. Ўзбек ёғли таомини бир ўзи ейишга уялади. Ўзбекнинг энг зўр мақоли — «Бир майизни қирқ киши бўлиб ейди» деган мақолдир. Шу фалсафани, ҳаётнинг ана шу мазмун-моҳиятини ҳам юрагига, ҳам қалбига ўйиб ёзган халқдан ёмонлик чиқадими?!

Бу бўлмаган гап.

Энди яна Сайдулла Абдуқодиров билан қилган суҳбатимизга қайтамиз.

— Сайдулла ака! Сизнинг назарингизда кишиларимизнинг кайфияти қандай? Буни сўраётганимнинг боиси бир кунда сиз ўнлаб, юзлаб одамлар билан учрашасиз.

— Одамларимиз матбуот орқали, телевидение орқали Афғонистон атрофидаги можароларни кўриб, кузатиб боришмоқда. Уларнинг бари ҳукуматимиз тутган сиёсатни тўла-тўкис қўллаб-қувватлашади. Негаки, уларга тинчлик, фарзандларининг омонлиги, эртанги кундан хавотир олмайдиган бир ҳаёт керак, ахир. Халқимизда «Қўшнинг тинч — сен тинч» деган мақол бор.

Сайдулла ака кўпнинг дилидаги гапни айтди. Зеро бизнинг элга, бизнинг халққа тинчликдан бўлак, фарзандлар бахтидан бўлак ҳеч нарса керак эмас.

Ўзбек асли мўмин халқ. Ўзбек асли содда халқ. Меҳнатни, яратганга шукур қилишни бахт деб билган халқ. Ана шу мўмин-мусулмон халқ томирида Темуру Жалолиддин, Улуғбегу Номоз ботир қонлари оқади.

Бу ўтмиш боболаримиз ҳам меҳнатни, эзгуликни неъмат билган. Аммо улар юртга чағир кўз билан қараганларга омонлик бермаган. Улар ўз бахтига, ўз заминига ёв назари билан қараган кўзларни ўйиб олишган.

Еримиз қуёш атрофида қандай айланса, бизнинг томирларимизда ҳам боболаримиз қонлари ана шундай айланмоқда.

Буни билмаганлар билиб қўйсин. Бу таҳдид эмас, бу кибр эмас.

Бу таъкид ўзбекнинг юрагидаги энг олий, энг беназир ўйдир.

**Алиқул ХОНИМҚУЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

(Давоми. Боши 1-бетда).

# Ҳамиша зийракмиз

**Оқимбек Қамбаралиев — Боткен вилоятининг Вужум қишлоғида истиқомат қилувчи фуқаро:**

— Қишлоғимизда асосан Ўзбекистон телевидениесининг кўрсатувларини томоша қиламиз. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг Баёнотини диққат билан эшитдим. Айниқса, Баёнотдаги «Агар 11 сентябрь воқеалари кўп давлатлар ва халқларнинг кўзини очиб берган бўлса, биз терроризм деган разил кучнинг даҳшатли башараси билан ўз ҳаётимизда олдинроқ дуч келганмиз» каби сўзларни тинглаб, беихтиёр бундан икки йил аввалги воқеалар кўз олдимда гавдаланди.

Ўзбек ва қирғиз халқларида бирдай янграйдиган мақол бор: ким табиб, бошидан ўтказган табиб. Ахир узоққа бормайлик, икки йил аввал довон ошиб Афғонистондан суқилиб кирган газандалар қишлоқларимизда изғиб юришди, кимнингдир молини талашди, жонига тажовуз қилишди. Террорчининг миллати бўлмайди, дейишади. Шунга қўшимча қилиб муқаддас тушунчалар уларга мутлақо ёт эканлигини таъкидламоқчиман. Йигирманчи асрдан янги асрга ҳам сизиб киришга ҳаракат қилаётган вабои азимни фақат барча халқлар, элатлар, миллатлар бирлашиб, таг-томири билан қўпориб ташлашига имоним комил.

**Набижон СОБИР,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

***Биз, Навоий туманидаги Раҳим Исмоилов номли фермер хўжалиги бошлиғи Муҳаммадалини йўқлаб борганимизда, у оппоқ денгизни эслатувчи пахтазорга терим машиналарини эндигина туширган экан. Ўзи ҳам ҳайдовчининг ёнида — кабинада ўтириб, машина пахтани сифатли тераяптими, йўқми — кузатиб, бир-икки марта дала адоғига бориб келибди.***

**Навоий далаларида**



# ЕРГА МЕҲР ҚЎЙГАНЛАР

***Қалин қора қошларига, узун киприкларига пахтазорнинг гарди қўнган бу ўта камгап, камсуқум йигитдан гап олиш осон кечмади. У айрим донгдор фермерларга ўхшаб баландпарвоз гапларни унчалик ёқтирмас экан. Саволларимизга ҳам тортиниб-тортиниб жавоб берди. Назаримда, унинг ўй-хаёли ҳозиргина пахтазорга тушган терим машиналарида эди.***

— Пахта майдонингиз қанча?

— 150 гектар. Фермер хўжалигимизнинг умумий майдони 193 гектар.

— Неча кунда режани бажарасизлар?

— Узоғи билан ўн кунда.

— Техникалар созми?

— Ҳаммаси бўлиб тўртта трактор, учта терим машинаси, иккита ҳайдов трактори ва бешта автомашинамиз бор.

— Ўтган йилги даромад қандай бўлди?

— 41 миллион сўм. Шундан 34 миллион сўм сарф-харажатга кетди. 11 млн. 300 минг сўм соф фойда олдик.

Муҳаммадалининг ҳикоя қилишича, бу йил 20 гектар ерга экилган буғдой режаси юз фоизга уддаланиб, ҳосилдорлик 37 центнерни ташкил қилган. Айни кунларда келгуси йил ҳосили учун яна шунча гектарга дон экилмоқда. Хўжаликнинг 6 гектар боғи бўлиб, унда олма, шафтоли, нок, беҳи, олча, гилос, анжир, ўрик ҳар йили мўл-кўл ҳосил беради. Шу ерда токзор яшнаб турибди. 2 гектар ерга эса сабзавот ва полиз экинлари экилади. Хўжаликнинг чорвачилик фермасида қирқдан зиёд қорамол бўлиб, шундан 12 таси соғин сигир. Сигирларнинг ҳар биридан 10-12 литргача сут соғиб олинади.

Бепоён Маликчўл бағрида гуллаб яшнаётган ушбу фермер хўжалиги Ўзбекистон мустақиллиги билан тенгдош. Хўжаликка ўн йил муқаддам Муҳаммадалининг раҳматлик отаси, машҳур деҳқон Раҳим ака Исмоилов асос солган эди. Узоқ йил «Ҳазора» жамоа хўжалигида раис бўлиб ишлаган, ернинг тилини пухта биладиган, чорвани яхши тушунадиган тажрибали раҳбар Раҳим ака хўжаликни шогирдларига топшириб, ўзи олис чўл бағридан янги фермер хўжалиги ташкил қилишга киришди. Янги хўжаликни тиклаш осонликча кечгани йўқ. Ҳувиллаб ётган чўл бағрида биринчи бор қазилган ариқни, илк бор экилган ниҳолни Муҳаммадали жуда яхши эслайди. Дастлаб қурилган чайлада ётиб тепасида тўкилай-тўкилай деб турган юлдузларни, тўлин ойни завқ билан кузатгани ҳамон ёдида. Бу ойдин кечалар сирли ва сеҳрли эртакларни эсга соларди.

Отаси унга дала ишларини ундоқ қил, бундоқ қил деб, айтмаган. Аксинча, ёнида олиб юриб ҳаммасини — экиб, ишлов бериб, сўнг ҳосилни йиғиб, бирмабир кўрсатган. Раҳим аканинг умри қисқа экан, беш йил муқаддам оламдан ўтди. Лекин у киши катта меҳнат эвазига бунёд этиб кетган фермер хўжалиги фаолияти асло тўхтаб қолмади. Меҳнаткаш ва фидойи фарзанди Муҳаммадали зўр ғайрат ва шижоат билан отасининг ишларини қизғин давом эттирмоқда. Унга хўжаликни юритишда амакиси ва отасининг фарғоналик дўсти Алижон Тошматов ҳам яқиндан ёрдам бериб келяпти. У киши Раҳим ака билан 1969 йилдан дўст бўлган. Қариндошдай бўлиб кетган дўсти оламдан ўтгач, у бошлаб кетган катта ишларни давом эттириш мақсадида Навоийга келиб, Муҳаммадалига кўмаклашмоқда.

Хуллас, ушбу фермер хўжалигини кўриб кишининг дили яйрайди. Уни ривожланган мамлакатлардаги фермерлар ҳам келиб кўрса арзийди.

— Туманимиз бўйича 350 та фермер хўжалиги бор, — дейди ҳамроҳимиз, Навоий тумани ҳокими, Олий Мажлис депутати Эргаш ака Бердиев. — Уларга беш минг гектар суғориладиган ер берилган. Шундан икки минг гектарига пахта, бир минг тўққиз юз гектарига буғдой, қолганига мева-сабзавот экилади. Фермер хўжаликлари ҳаммаси бўлиб 4713 тонна пахта берди. Уларнинг аксарияти шартнома режаларини аллақачон уддалади. Жумладан, Раҳим Исмоилов номли фермер хўжалиги ҳам режани бир ҳафтада уддалашига ишонамиз.

**Ашурали ЖЎРАЕВ.**

**P.S. Ушбу мақола саҳифалаштирилаётган пайтда таҳририятимизга хушхабар келди. Муҳаммадали Исмоилов бошчилик қилаётган фермер хўжалиги тиклаган «оқ олтин» хирмони 600 тоннадан ошиб, йиллик шартнома топшириғи бажарилибди. Терим суръати бир дақиқа сусайган эмас.**

*Қиш мавсуми яқин*

# УЙ ИССИҚ, КЎНГИЛ ТЎҚ

***Наманган вилояти ҳудудий коммунал фойдаланиш бирлашмасига Чуст шаҳридаги кўп қаватли уйларда истиқомат қилувчи бир гуруҳ фуқаролардан хат тушди. Лекин у, одатдагидек, шикоят эмас, балки миннатдорчилик мактуби эди. Қизиқ, нима гап ўзи?***

Таъкидлаш керакки, Чустда аҳолининг кундалик турмуши билан боғлиқ ижтимоий масалаларни ҳал этишга катта аҳамият берилаяпти. Туман «Иссиқлик манбаи» корхонаси фаолиятини олиб кўрайлик. Мижозларнинг аксарияти навбатдаги мавсум олдидан амалга оширилаётган тайёргарлик ишларига яхши баҳо беришяпти. Бу, албатта, бежиз эмас.

— Бултур айни совуқ заптига олган паллада ертўладаги қувур ёрилиб кетиб, икки кун иссиқликсиз қолгандик, — дейди шаҳарнинг «Ипак йўли» кўчасидаги 20 хонадонли уй қўмитаси раиси Гадила Рафиқова. — Усталарга раҳмат, тезда тузатишди. Аммо тизим эскириб қолган экан, барибир янгилашга тўғри келди. «Иссиқлик манбаи»нинг махсус бригадаси ёзда ертўладан тортиб, хонадонлардаги қувурларгача алмаштириб беришди. Энди қишдан кўнглимиз тўқ. Одамларнинг хурсандлигини айтмайсизми!

Дарҳақиқат, шундай. Узатиш тармоқларини бекаму кўст таъмирлаш учун корхона жамоаси баҳор ва ёз ойларида астойдил меҳнат қилди. Биргина эски қувурларни янгиларига алмаштириш учун 1 миллион 450 минг сўм маблағ сарфланди. Фақат шугина эмас. «Ипак йўли», Чустий кўчаларидаги иккита кўп қаватли турар жойда 1 миллион 150 минг сўмлик иш бажарилиб, мавжуд тармоқлар тўла соз ҳолга келтирилди. Белгиланган юмушларнинг барчаси корхона қошидаги 16 кишилик таъмирловчилар бригадаси томонидан амалга оширилди. Улар яна кўплаб уй-жой бинолари, марказий шифохона, мактаблардаги сув иншоотларининг қувурларини ҳам бир сидра кўздан кечириб чиқишди. Хуллас, ярoқсиз тармоқлар қолмади, ҳисоб. Ўтган мавсумда истеъмолчилардан 38 та шикоят ва ариза тушганди. Улар атрофлича ўрганилиб, аҳоли талаблари қондирилди.

Айтиш керакки, корхона туман марказидаги 33 та кўп қаватли турар жой, 15 га яқин ижтимоий иншоотлар, кўплаб маъмурий биноларга хизмат кўрсатади. Куз ва қишнинг изғиринли кунларида хонадонлар, иш ва ўқиш жойларида мўътадил ҳароратни таъминлашнинг ўзи бўлмайди, албатта. Бу вазифани кўнгилдагидек амалга ошириш учун жамоа аъзоларининг барчаси масъулиятни бирдек ҳис этиши лозим. Корхонада ана шундай муҳит шакллантирилганлиги эътиборга моликдир.

Хизмат кўрсатиш ва ўзаро ҳисоб-китоблар юзасидан истеъмолчилар билан тузилган шартномани кўздан кечирар эканмиз, бир нарса диққатимизни тортди. Унда «Иссиқлик манбаи»нинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари билан бирга аҳоли манфаатлари ҳам тўла ҳисобга олинган. Агарда корхона айби билан иссиқлик узатишда узилиш содир бўлса, мижозга етказилган моддий ва маънавий зарар тўла қопланади. Ваҳоланки, илгари масаланинг айни шу жиҳатига етарли аҳамият берилмас эди.

— Шартнома шартларининг қатъийлиги таъминотчиларни шошириб қўймасмикин?

Корхона бошлиғи Эркинжон Салоҳиддинов ушбу саволимизга қуйидагича жавоб қайтарди:

— Иккала томон мажбуриятни бирдай теппа-тенг бажарса, олам гулистон, эътирозга асло ҳожат қолмайди. Истеъмолчиларимиз ҳам буни тўла ҳис этишаяпти. Кўрсатилган хизмат учун тўловлар ўз вақтида амалга оширилмоқда. Аммо бу дебитор қарзимиз қолмади, дегани эмас. Очиғини айтадиган бўлсам, ҳисоб-китобларни амалга оширишда баъзи муаммолар мавжуд. Масалан, «Чуст пахта толаси» ҳиссадорлик жамиятидан 300 минг сўм қарзни ундириш қийин кечаяпти.

Халқимизда ҳисобли дўст айрилмас, деган гап бор. Демоқчимизки, дебиторлик қарзларидан қанча тез халос бўлсак, иш манфаати учун шунча фойдалидир. Чустлик таъминотчилар мавсумга тайёргарлик жараёнида яна бир муаммога дуч келишди. Яъни, суғориш тармоқлари учун етишмай турган сув айни қиш пайтида янада камайиб кетиши тажрибадан маълум. Чунончи, бултур мавсум давомида талаб қилинган 21 минг кубометр ўрнига 17350 кубометр сув олинди. Натижада айрим бўғинларда узилиш юз берди. Бу ҳол қайтарилмаслиги учун мавжуд 9 та қозонхонада заҳира идишлари ўрнатилиб, улар ҳозирданоқ сув билан тўлдириб қўйилди.

**— Бизда газнинг босими меъёрида. Шунга қарамасдан, ҳар эҳтимолга қарши 60 тонна ёқилғи жамғариб қўйдик, — дейди Э.Салоҳиддинов. — Демак, босим пасайган тақдирда ҳам иссиқлик таъминотида узилиш бўлмайди.**

Ўлкамизда куз. Ҳадемай қиш киради. Ўшанда шошиб қолмаслик учун айни дамларнинг ҳар дақиқасидан унумли фойдаланиш лозим. Бу ўз-ўзидан тушунарли, албатта. Биз Чустда амалга оширилаётган ишлар билан танишиб, мавсумга пухта ҳозирлик кўрилаётганига ишонч ҳосил қилдик. Зотан, қиш имтиҳони қаттиқ. У лоқайдлик ва бепарволикни асло кечирмайди.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# «Сўғдиёна уруғлари»



## янги навлари деҳқонга маъқул келаяпти

Тайлоқликлар деҳқончилик соҳасида бой тажрибага эга. Улар ер билан тиллашишни, унинг имкониятларидан қандай фойдаланишни яхши билишади. Ҳамиша янгилик сари интилишади. Шу боис ҳам қишлоқ хўжалигининг барча соҳаларида муттасил самарали натижага эришадилар. Даромад ҳам, турмуш тарзи ҳам шунга яраша.

Бугун нафақат Самарқанд вилоятига, балки қўшни вилоятларга ҳам ғалланинг янги навларини етказиб бераётган «Сўғдиёна уруғлари» илмий ишлаб чиқариш корхонасининг айнан Тайлоқда жойлашгани бежиз эмас. Корхона аҳли 600 гектар ерда деҳқончилик қилади.

— Ҳозиргача арпа ва буғдойнинг 8 та навини яратдик, — дейди корхона илмий раҳбари, қишлоқ хўжалик фанлари доктори, профессор Тўрақул Хўжақулов. — Буғдойнинг «Ўзбекистон-1» нави гектаридан 70-80 центнердан ҳосил берди. Бу навнинг асосий хусусияти тезпишарлиги, сувсизликка чидамлилиги ҳамда донининг оқлигида. Шу йилдан бошлаб мазкур навга Бухоро, Жиззах, Сурхондарё ва Тошкент вилоятлари деҳқонлари харидор бўлишяпти. «Ўзбекистон-II» навининг ҳосилдорлиги бундан-да юқори. Суғориш, озиқлантириш меъёрида ўтказилган мавсумда гектаридан бемалол 80-90 центнер ҳосил кўтариш мумкин.

«Сўғдиёна уруғлари» тажриба майдонида даставвал синаб кўрилган арпанинг «Афросиёб», «Темур», «Мароқанд», буғдойнинг «Шердор», «Улуғбек-600» навлари ҳам деҳқонларга маъқул келди. Эътибор қилинг, бу йилгидек мураккаб табиий шароитда суғориш имкони бўлмаган жойларда «Ўзбекистон-I» навидан гектарига 10 центнердан ҳосил олинибди. Бу кўрсаткич фақатгина кузда суғорилган майдонларда 27 центнерга, баҳорда бир марта суғорилган жойларда 35 центнерга етган. Баҳорда тўрт марта суғорилган ғаллазорларда эса гектаридан 80 центнердан хирмон кўтарилди.

Айни пайтда корхона олимлари буғдойнинг яна бир янги нави — «С-50» устида изланишлар олиб боришмоқда.

**Абдул РАСУЛ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**СУРАТДА: илмий ходим Хўжақул Тўрақулов янги нав ҳосилидан мамнун.**
**Тоҳир НОРҚУЛОВ (ЎзА) олган сурат.**

*Истиқлол берган имкон*

# «Лола-Узор»дан — «Ал-Жаҳон»га

## ёки тадбиркор ака-ука Мирзааҳмедовларнинг қандай қилиб оддий дўкондордан йирик қўшма корхона соҳиблари бўлгани хусусида

***Уйчи туманида уларни «Олти оға-ини», дейишади. Ана шу оға-иниларнинг иккинчиси — Ҳамидулла ака 1989 йилнинг охири ва 1990 йилнинг бошида кичкинагина савдо дўкони очиб, тадбиркорлик ҳаракатини бошлаган эди. Бугунги кунда эса ака-укалар нафақат Наманган вилоятида, балки мамлакатимизда ҳам таниқли ишбилармонлардан ҳисобланади. Аммо ўша пайтда оддий дўкондорларнинг йирик қўшма корхона эгалари бўлиб етишишларига кўпчилик ишонмаган эди. Бунинг ўз тарихи бор.***

Истиқлол туфайли тадбиркорларга кенг имкониятлар эшиги очилгач, Ҳамидулла Мирзааҳмедов ака-укаларини ёнига олиб, катта ишга қўл урди. Улар қисқа муддат ичида ўз маблағлари ҳисобига савдо тури ва ҳажмини кенгайтирдилар, ишлаб чиқаришни йўлга қўйиб, маҳалладошлари учун янги иш ўринлари яратдилар. Шу тариқа «Лола-Узор» кўп тармоқли хусусий фирмасига асос солинди. «Кенгашли тўй тарқамас» деганларидек, ака-укаларнинг келишувига мувофиқ, Ҳабибулла Мирзааҳмедов бу фирманинг директори этиб сайланди.

1996 йили Ҳабибулла ака Хитойга сафари чоғида шу мамлакатдаги «Анъхой» корпорацияси раҳбарлари билан танишиб қолди. Мазкур корпорация чой импорти ва экспорти билан шуғулланарди.

— Биласиз, Фарғона водийси халқи, қолаверса, республикамизнинг жанубий минтақаларида яшовчи аҳоли асосан кўк чой истеъмол қилади, — дея ҳикоя қилади у ўша кунларни эслаб. — Шу боис ушбу корпорация раҳбарлари билан савдо-иқтисодиёт соҳасида музокаралар олиб бориб, икки томонлама манфаатли ҳамкорликни йўлга қўйишга эришдик. Натижада икки йил мобайнида Хитойдан республикамизга 3000 тоннадан зиёд аъло навли, хушбўй, шифобахш кўк чой келтирилиб, арзон нархларда истеъмолчиларга етказиб берилди.

Кейинчалик ҳам фирма мутасаддилари ва хитойлик шериклар ўртасида бошланган музокаралар давом эттирилди. Мақсад — Уйчи туманининг ўзида чойни қадоқлашни йўлга қўйиш эди. Ниҳоят, бу ният ҳам ушалди: 1998 йилнинг март ойида йилига 4-5 минг тонна чойни қадоқлашга ихтисослаштирилган «Ал-Жаҳон» Ўзбекистон — Хитой қўшма корхонаси ташкил этилди.

Аслида «Ал-Жаҳон»ни оға-ини Мирзааҳмедовларнинг йиллар давомида тадбиркорлик соҳасида орттирган бой тажрибаси, бозор иқтисодиёти шароитида тижорат борасида эришган муваффақиятлари, муҳими, Юртбошимиз раҳнамолигида ҳукуматимиз томонидан мамлакатимизда изчил амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар ҳамда хусусий тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида яратилган катта қулайлик ва имкониятлар меваси, десак, асло муболаға бўлмайди. Суҳбат асносида айни кунларда бу ерда ишлаб, оиласи рўзғорини тебратаётган Машад қишлоғилик 50 нафар киши ҳам бу ҳақиқатни баралла тасдиқлади.

Шу билан бирга, машадликлар замонавий услубда барпо этилган, энг илғор технология билан жиҳозланган қўшма корхонанинг муҳташам ва маҳобатли биноси ўз қишлоқларининг кўркига-кўрк қўшиб турганлиги ҳақида ифтихор ила ғурурланиб гапирдилар. Уларнинг қувончу севинчлари боисини тушуниш мумкин: илгари бундай иншоотга эга бўлиш ҳар бир қишлоқ аҳлининг орзуи эди, ахир!

**Мазкур корхона водийда ягона бўлиб, унинг Устав сармояси 320000 АҚШ долларидан иборат эди. Эътиборлиси, қўшма корхонани бунёд этиш учун республикамиз банкларидан бир сўм ҳам кредит олинмади. Барча харажатлар фирма фаолиятидан тушган маблағ эвазига қопланди.**

Қарангки, «Лола-Узор» кўп тармоқли хусусий фирмасининг бунёдкорлик ишлари хусусида Яккатут, Ёркатой қишлоқларининг аҳолиси ва А. Мўминов номли ширкат хўжалиги аъзоларидан ҳам илиқ сўзларни эшитдик. Гап шундаки, айтайлик, Яккатут қишлоғида мустақиллигимизнинг 7 йиллиги байрами арафасида фирманинг маблағи ҳисобига ҳамманинг ҳаваси келадиган супермаркет ишга туширилди. Шу қишлоқ номи билан аталувчи бу супермаркет савдо-ишлаб чиқариш мажмуи бўлиб, унда озиқ-овқат маҳсулотлари, тайёр кийим-кечаклар, атир-упа, хўжалик моллари, яхна ичимликлар, музқаймоқ дўконлари, дон-дун растаси, қассобхона ва сартарошхона мавжуд.

«Наманган-Учқўрғон» автомобиль йўли бўйидаги Ёркатой қишлоғида барпо этилган «Сарбон» автокэмпинги эса шу гўшага узукка кўз қўйгандай ярашиб турибди. 1999 йилда қурилиб, фойдаланишга топширилган бу комплекс 6 та шохобчадан иборат. Бир кеча-кундузда 400-500 автомашинага ёнилғи қуйиш билан бир қаторда уларга техник хизмат ҳам кўрсатилади. Ана шу ишлар билан 20 киши банд.

Фирма жамоаси, шунингдек, 1999-2000 йиллардаги фаолиятидан тушган соф фойданинг бир қисми — 22 миллион сўм маблағни сарфлаган ҳолда, А. Мўминов номли ширкат хўжалиги деҳқонларининг фарзандларига атаб «Ал-Жаҳон» болалар боғчасини қуриб берди. Бу ерда ҳозир 100 нафар ўғил-қиз тарбияланаяпти.

Яна бир гап. Тадбиркор Мирзааҳмедовлар ўтган йилдан бошлаб қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳам ўз омадларини синаб кўрмоқдалар: улар 92 гектар майдонда деҳқончилик билан шуғулланмоқдалар. Ака-укаларнинг «Ансор» деб номланган фермер хўжалигида эришилган дастлабки натижалар эса қувончли. Бу йилги ғалла етиштириш бўйича давлат шартномавий режаси ошириб бажарилган эди, яқин кунларда 162 тонналик пахта хирмони ҳам кўкка бўй чўзади. Демак, даромадларига яна даромад қўшилади. Бу — ҳудудий ялпи ички маҳсулот таркибида фирманинг улуши кўрсаткичлари, янги иш ўринлари яратиш, унинг аҳоли даромадини оширишга таъсири янада кучаяди дегани.

Сен элу юртга хизмат қилсанг, элу юрт сени ардоқлайди. Бунга олти оға-иниларнинг фаолияти яққол мисол. Фирма директори Ҳабибулла Мирзааҳмедов Олий Мажлис депутати. Президентимиз Фармонига кўра, Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг ўн йиллиги арафасида у «Меҳнат шуҳрати» ордени билан мукофотланди.

— Валюта билан боғлиқ муаммоларимиз бор эди, — дейди Ҳабибулла Мирзааҳмедов. — Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 22 июндаги «Валюта бозорини янада эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 263-сонли қароридан сўнг бу муаммоларимиз ҳам ҳал этилди. Бугунги кунда «Ал-Жаҳон» қўшма корхонамиз тўла қувват билан ишламоқда. Бунда Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ва унинг Уйчи тумани бўлимининг ҳиссаси беқиёс. Мазкур банкларнинг раҳбарларига жамоамиз номидан миннатдорчилик билдирамиз. Негаки, уларнинг кўмагида қарзларимиздан қутилдик, катта миқдорда хомашё олишга муваффақ бўлдик. Муҳими, корхонамизда нафақат Фарғона водийси, балки мамлакатимизнинг бошқа вилоятлари аҳолисини ҳам сифатли чой билан таъминлаш имкони яратилди.

Айни кунларда тадбиркорлар ана шу эзгу ниятлар йўлида астойдил меҳнат қилмоқдалар.

**Икром ЎТБОСАРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**



# Тараққиётга юз бурган «Бобур»



*Бир товуққа ҳам сув, ҳам дон керак, деган ҳикмат бекорга айтилмаган. Шароф Рашидов туманидаги «Бобур» ҳиссадорлик жамияти паррандабоқарлари буни кўп йиллик тажрибадан яхши билишади. Таъкидлаш жоизки, бир неча йил бурун корхонада ишлар издан чиқиб, тармоқ инқироз ёқасига келиб қолган эди. Аҳволни ўнглаш учун нима қилиш керак? Ана шунда меҳнат ва мулкка янгича ёндашув, самарали изланиш, жамоа ўртасида қарор топган аҳиллик жуда қўл келди. Корхона маъмурияти ва мутахассисларнинг саъй-ҳаракати туфайли қўшимча имкониятлар ҳаракатга келтирилди. Бу ўринда Германиянинг «Ариан-Ҳафиз» фирмаси билан ўрнатилган иқдисодий ҳамкорликни тилга олиб ўтиш кифоя. Фирма томонидан киритилган сармоя ҳисобига «Бобур» паррандачилик корхонаси қайта таъмирланди, янги ускуналар билан жиҳозланди. Натижада ишлаб чиқариш замонавий миқёс касб этиб, маҳсулот етиштиришда яхши натижаларга эришилмоқда. Бугунги кунда корхона цехларида 82 минг бош парранда парвариш қилинаяпти.*

**СУРАТЛАРДА: жамият раисининг муовини Юнус Юсупов (ўртада) оператор Зуҳра Абдураҳмонова ҳамда цех бошлиғи Саттор Сулаймонов билан ёш жўжаларни кўздан кечирётган пайт; оператор Людмила Бетина ҳалол меҳнати орқали жамоа ўртасида ҳурмат қозонган.**

**Б. ТЎРАЕВ (ЎзА)**
**олган суратлар.**

# Дори-дармон бепул

***Қўрғонтепа тумани шифокорлари ўз имкониятларидан келиб чиқиб, дори-дармонлар тайёрлашни йўлга қўйдилар. Уларнинг бу ибратли ташаббуси вилоят бўйича кенг оммалашмоқда.***

Уч йил муқаддам туман марказий шифохонаси қошида дори-дармон тайёрлаш бўлими фаолият кўрсата бошлаган эди. Бўлим атрофига жипслашган ўн нафар олий тоифадаги доришунос қир-адирлардан шифобахш гиёҳларни келтириб, ўттиз турга яқин дармондори тайёрлай бошлашди. Улар мутахассислар томонидан юқори баҳоланди. Мазкур дармондорилар кам таъминланган, кўп болали оилалар, камқонли оналар ҳамда шошилинч тиббий ёрдамга муҳтож кишилар учун, айниқса, қўл келаётир.

**О. ШОДМОНАЛИЕВ.**

*Қонун ва ижро*

***Хоразмда ҳар йили 21 мингдан зиёд ўқувчи ўрта мактабни битказади. Шулардан 5 мингга яқини ўрта махсус ҳамда олий ўқув юртларида ўқишни давом эттиради. Табиийки, бир неча минг мутахассис тайёрланади. Шу сабабли вилоятда аҳолини иш билан таъминлаш, янги меҳнат ўринлари очиш масаласи жиддий чора-тадбирлар кўрилишини тақозо этади. Албатта, бу йўлда муайян ишлар амалга оширилаётганлигини рад этиб бўлмайди. Айниқса, фермер хўжаликларида, хусусий фирмаларда, янги корхона ҳамда хизмат кўрсатиш муассасаларида маълум даражада ютуқлар бор. Шу билан бирга вилоят прокуратураси идоралараро мувофиқлаштирувчи кенгашининг очиқ йиғилишида аҳолини иш билан таъминлаш борасидаги кўпгина хато ва камчиликлар, қонун бузилиши ҳоллари очиб ташланди.***

# Кредит қайси мақсадда берилганди?

Бизда аҳолининг 673,1 минг нафари ишга яроқлидир. Шаҳар ва туман меҳнат бўлимларининг маълумотномаси бизда қандайдир шубҳа туғдирди. Эмишки, ишга яроқли аҳолининг 6,5 фоизи, яъни 44 минг киши иш билан таъминланмабди. Биз ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорликда ҳақиқий аҳволни ўрганиб чиқдик. Маълум бўлишича, ҳақиқатда 53700 нафар шахс меҳнатга жалб қилинмаган экан. Тезкор маълумотларга кўра иш билан таъминланмаганлар сони бундан анча зиёд. Шулардан 6628 нафаригагина ишсизлик мақоми берилиб, нафақалар тўланмоқда. Қолганлар ижтимоий ҳимояга олинмаган.

Бугунги кунда ишсиз аҳолининг кўпчилигини олий, ўрта махсус ва ўрта маълумотли, қолганини тўлиқсиз ўрта маълумотга эга бўлган фуқаролар ташкил қилишини ҳам ачиниш билан айтамиз.

Шу ўринда меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий ҳимоя қилиш бошқармаси ҳамда унинг шаҳар ва туманлардаги бўлимлари фаолиятига бир назар ташлайлик. Бошқарма кейинги икки йилда вилоятдаги олтита банк муассасаси орқали 83 та хўжалик юритувчи субъектга 248 миллион 130 минг сўм миқдорида имтиёзли кредитлар берган. Бунинг натижасида 1430 та янги иш ўринлари очилиши лозим эди. Аммо соҳа раҳбарининг ўз бурчига юзаки муносабати туфайли бу муҳим топшириқ барбод бўлиб, атиги 305 та ишчи ўрни очилган. Қолаверса, хўжалик юритувчи субъектлар томонидан олинган имтиёзли кредит маблағлари кўпчилик ҳолларда бошқа мақсадларда ишлатилган.

Жумладан, Урганч шаҳрида жойлашган «Хоразм-Подольск» масъулияти чекланган савдо ишлаб чиқариш фирмаси (раҳбари М. Курязов) «Тадбиркорбанк»нинг вилоят бўлимидан уч йил муддатга 4 миллион сўм миқдорида имтиёзли кредит олган. У ишлаб чиқаришни ташкил қилиб, 36 та янги меҳнат ўрни очиши лозим эди. Аммо фирмада на ишлаб чиқариш ташкил этилган ва на янги иш ўринлари очилган. Чунки фирма дастлаб хўжакўрсинга бошқа фирмалардан 4 миллион сўмлик тикув машиналари ҳамда хомашё харид қилган. Кейин бизнес режага хилоф равишда уни Нукус шаҳридаги «Аксингул» хусусий фирмасига сотиб юборган.

Шунингдек, «Тадбиркорбанк» вилоят бўлими томонидан имтиёзли кредит маблағлари олган «Афсона», «Фазо» каби бир қатор фирмаларда ўтказилган мониторинг текширишларида ҳам юқоридаги ҳолатлар аниқланди. Шунда ҳам банк бўлими раҳбарияти чора-тадбирлар кўрмаганлиги кишини ўйлантиради.

Бундай ҳолатлар «Савдогарбанк», «Заминбанк», «Уйжойжамғармабанк», «Пахтабанк», «Ғаллабанк» вилоят бўлимлари томонидан берилган айрим имтиёзли кредитларга ҳам хосдир. Тегишли раҳбарларнинг совуққонлиги туфайли мақсадли маблағлардан нотўғри фойдаланишнинг олди олинмаган.

Меҳнат бошқармаси собиқ бошлиғи Э. Раҳимов эса кредит маблағлари хусусий корхона ва фирмалар томонидан ўзлаштирилишига ўзи шароит яратиб берган. У Хива туманидаги «Сангар» кичик корхонаси раҳбари Ш. Худойбергановнинг қайтариш муддати 1998 йил 25 декабрда тугаган 1 миллион 500 минг сўм миқдоридаги кредит пулини шахсий мулкидан тўлалигича тўлаган. Шу сабабли у гаровга қўйган ишлаб чиқариш цехига солинган таъқиқни бекор қилишни сўраб, туман давлат нотариусига сўровнома юборган. Бунинг оқибатида Хива туман давлат нотариуси Ш. Машарипов томонидан гаров ашёси (цех)га солинган таъқиқ бекор қилинган. Натижада цех сотиб юборилиб, маблағлари ўзлаштирилган. Ҳозирда ушбу ҳолатлар юзасидан жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Шунингдек, Шовот, Янгиариқ, Янгибозор туман меҳнат бўлимлари бошлиқлари ўз фаолиятларида «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Қонун талаблари қўпол равишда бузилишига йўл қўйганлиги учун интизомий жавобгарликка тортилдилар.

Афсуски, айрим туман меҳнат бўлимлари томонидан ўз ишини сунъий равишда бўрттириб кўрсатиш учун ҳужжатларни қалбакилаштириш жиноятлари ҳам содир қилинган. Жумладан, Янгибозор тумани меҳнат бўлими инспекторлари А. Абдуллаев, У. Авезов ва Р. Бозорбоевлар аслида меҳнат бўлимига мурожаат қилмаган шахслар номидан ўзлари ариза ёзиб ва унга имзо чекиб, расмий ҳужжатларни қалбакилаштирганлар. Яна таъкидлаш лозимки, мазкур қонуннинг ижроси юзасидан ўтказилган текширишлар натижасида қайтарилиш муддати икки йилдан ўтиб кетган имтиёзли кредитлардан 10 миллион сўми хўжалик юритувчи шахслардан ихтиёрий равишда ундирилди ва бошқарма ҳисоб рақамига ўтказилди.

Қонунлар ижросини кенг назорат қилиш, таҳлил ўтказиш ва чора-тадбирлар кўриш ўз самарасини беряпти. Шу билан бирга прокуратура идоралари аҳолини иш билан таъминлаш юзасидан тарғибот ва ташкилотчилик фаолиятини амалга оширяпти. Аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий ҳимоя қилиш бошқармасига вилоятдаги ишсизлар сони билан боғлиқ ҳақиқий ҳолатни ўрганиб, камчиликларни бартараф этиш, Марказий банк вилоят бўлими зиммасига қонун талаблари ижроси юзасидан қаттиқ идоравий назорат ўрнатиш ва банк ходимларининг қонун бузилиши ҳолатларини содир этишларига чек қўйиш вазифаси юклатилди.

Хуллас, юқорида таъкидланган қонун талабларига жойларда қандай риоя этилаётганлиги доимий эътиборимизда турибди.

**Д. ИСРОИЛОВ,**
**Хоразм вилояти прокурори.**

ҲУРМАТЛИ ХОНИМЛАР ВА ЖАНОБЛАР!

«АСАКА» БАНКИ

ДАРОМАДЛАРИНГИЗНИ ОШИРИШ ВА ОМОНАТЛАРИНГИЗНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ МАҚСАДИДА СИЗГА ҚУЙИДАГИЛАРНИ ТАКЛИФ ҚИЛАДИ:

1) қайта кўриб чиқилган юқори фоиз устамали омонатлар:

| | | |
|---|---|---|
| **«ТАБАССУМ»** (муддати камида 45 кун) | — | 45 кун учун **6%** |
| **«ОРЗУ»** (уч ойдан кам бўлмаган муддатга) | — | ҳар ойда **3,5%** |
| **Муддатли:** | | |
| 6 ойдан 1 йилгача | — | йилига **35%** |
| 1 йилдан 3 йилгача | — | йилига **42%** |
| 3 йилдан 5 йилгача | — | йилига **65%** |

2) депозит пластик карточкалар ҳар ойда қолдиққа 3%дан қўшиб бориш билан йилига 42,6%гача.

3) депозит валютадаги омонатлар тўловини фоиз валютасида

4)
**I. ТАЛАБ ҚИЛИБ ОЛГУНЧА** — ҳисоб рақамини ёпиш пайтида йилига **4,5%** кўчириш билан амалга оширилади, қолдиқнинг энг кам миқдори 300 АҚШ доллари.

**II. МУДДАТЛИ:**
1) БИР ЙИЛГАЧА — камида 5000 АҚШ доллари — ҳисоб рақамини ёпиш пайтида йилига **6%** кўчириш билан амалга оширилади;
2) БИР ЙИЛДАН ИККИ ЙИЛГАЧА:
5000дан 10000 АҚШ долларигача — йилига **7%**
10000 АҚШ доллари ва ундан юқори — йилига **8%**
ҳар ярим йилда тўлаб борилади.

ПУЛЛАРИНГИЗНИ ТЕЗ ВА ИСТАГАН ПАЙТИНГИЗДА ОЛИШИНГИЗ МУМКИН. «АСАКА» БАНКИ ҚЎЙИЛМАЛАРНИ ТЎЛА КАФОЛАТЛАЙДИ.

**Бундан ташқари «Асака» банки:**
«AMERICAN EXPRESS» йўл чекларини тўловга қабул қилади ва сотади.
Депозитар ячейкаларни қимматбаҳо нарсаларни сақлаш учун ижарага беради.

ASAKA BANK

**Маълумот учун телефонлар: 120-83-91, 120-83-92.**
**Манзилимиз: 700015, Тошкент шаҳри, Нукус кўчаси, 67.**
**Банк филиаллари — Нукус шаҳри ва барча вилоят марказларида.**

4856

### Термиз шаҳрининг 2500 йиллиги олдидан

# ЧЕКСИЗ УММОН




***Ал-Ҳаким ат-Термизий меросини ўрганиш билан шуғулланган тадқиқотчилар унинг асарлари сони ҳақида турли рақамларни келтирадилар. Баъзиларнинг фикрича, асарларининг сони тўрт юзтага яқин бўлса, бошқалари саксонта ёинки қиркта асар яратган, деб ёзганлар. Жумладан,мисрлик олим шайх Абдулфаттоҳ Абдуллоҳ Бараканинг ёзишича, ал-Ҳаким ат-Термизий тўрт юздан ортиқ асарлар яратган бўлиб, улардан олтмишга яқини бизгача етиб келган. Шулардан энг аввало пайғамбар алайҳиссаломнинг ҳадисларига бағишланган «Наводир ал-усул фи маърифат ахбор Расул» («Расулуллоҳ хабарларини билишда нодир усуллар») асарини айтиш керак. Бу асар, шунингдек, «Салват ал-орифийн ва бўстон ал-муваҳҳадийн» («Орифлар овунчоғи ва Оллоҳнинг ягоналигига ишонувчилар бўстони») номи билан ҳам аталади. У ҳижрий 1294 (мелодий 1876) йилда Қустантийнияда чоп этилган. Ўзи танлаб олган 261 ҳадисдан иборат ушбу китобда ал-Ҳаким ат-Термизий ўз мазҳабий қарашларини муфассал шарҳлаган.***

Асарнинг бир қўлёзма нусхаси Ўзбекистон мусулмонлар идорасининг кутубхонасида сақланади. Алломанинг кейинги йилларда нашр этилган, тасаввуфга оид икки асари — «Китоб ҳақийқат ал-одамийййа» («Инсоният ҳақиқати тўғрисида китоб») ва «Адаб ун-нафс» («Нафс одоби»)ни кўрсатиш мумкин. Уларнинг аксар қисми қўлёзма ҳолда жаҳоннинг йирик шаҳарларидаги қўлёзмалар хазиналарида сақланади. Жумладан, Париж Миллий кутубхонасида ўн иккита асарнинг қўлёзмаси мавжуд. Дамашқ мажмуаси икки китоб ва бешта рисоладан иборат. Миср Араб Республикасининг йирик шаҳарларидан бири Искандарияда учта рисоласи сақланади.

Ал-Ҳаким ат-Термизийнинг Лондон мажмуасига кирган асарлари ҳам мавжуд бўлиб, улар асосан алломанинг Шестарбити тасарруфидаги асарларидир. Қоҳирада ал-Ҳаким ат-Термизийнинг «Илал ал-Убудийїа» ёинки «Илал аш-шарийъа» («Шарийъат далиллари») номли асарининг нусхаси мавжуд бўлиб, аслида бу рисола алломанинг «Китоб ус-Салот» («Намоз ҳақидаги китоб») асарининг қисқартирилган шаклидир. Лейпциг мажмуасида сақланадиган ягона китоб «Ад-Дур ал-макнун» («Бекитилган марварид») асаридир. У ҳаётда юз берган ва юз бериши эҳтимоли бўлган воқеаларга боғлиқ ҳадислар мажмуасидан иборат.

Алломанинг бизгача етиб келган асарларидан бири «Хатм ул-авлиё» бўлиб, унда тасаввуф тарихида биринчи маротаба «валоят-валийлик» назариясига ва бунинг асосида «ал-ҳакимия» мактабига асос солинган. Асарда келтирилган фикр-мулоҳазалар Термиз аҳлининг баъзи қисмлари ўртасида кескин эътирозга сабаб бўлиб, натижада ал-Ҳаким ат-Термизий она шаҳридан бадарға қилиниб, бир қанча муддат Балхда ҳам яшаган. Узоқ йиллар давомида йўқолган китоблардан ҳисобланган «Хатм ул-авлиё» 1965 йили Ливан пойтахти Байрутда Париж илмий тадқиқотлар маркази исломий маданият бўлимининг аъзоси Усмон Исмоил Яҳё томонидан нашр этилди. Валийликнинг ҳаққонийлиги, шунингдек, унинг нубувват ва рисолат билан боғлиқ бўлган жиҳатлари мазкур китобнинг бош мавзуси ҳисобланади. Муқаддима ва 29 фасл мурид ва шайх ўртасида бўлиб ўтган савол-жавоб тарзида таълиф этилган.

Китоб валоят масаласини биринчи маротаба мукаммал бир назария ва ажойиб мақолалар туркуми шаклида тасаввуфга тақдим этиши билан алоҳида аҳамиятга молик. У, айтиш мумкинки, тасаввуф тарихида, «ҳакимий»лар деб аталмиш бир гуруҳ машҳур сўфийлар, хусусан, Термиз ва Балх атрофида шаклланган тасаввуф аҳли учун маънавий васиятнома ёхуд таълим дастури сифатида хизмат қилган.

Булар ал-Ҳаким ат-Термизийнинг бизгача етиб келган асарларининг мавжуд қўлёзмалари ҳисобланади. Лекин алломанинг номлари тарихий ёинки библиографик тарздаги асарларда сақланиб қолган ва бизгача етиб келмаганлари ҳам бор. Айни вақтда масаланинг мураккаблиги шундаки, ал-Ҳаким ат-Термизийнинг ўзини ҳам, унинг асарларини ҳам аллома яшаган даврдаги бирон бир илмий фаолият билан боғлиқ ҳолда ёки қиёсий тадқиқ қилиш орқали баҳолай олмаймиз. Бинобарин, унинг хилма-хил мавзуларда ёзилган асарларининг умумий йўналишини, уларга асос бўлган манбаларни аниқлашда ҳам муайян қийинчиликлар туғилиши табиий.

Ал-Ҳаким ат-Термизий асарларининг таълиф этилиш йиллари ҳақида ҳам айнан шу муаммога дуч келамиз. Чунончи муаллиф ҳам, у ҳақда ёзган олимлар ҳам аллома асарларининг ёзилган йилларини кўрсатмаганлар. Шу билан бирга унинг ижодини таҳлил қилиб ўрганиш жараёнида бу борада ҳам баъзи тахминларни айтиш мумкин. Жумладан, ал-Ҳаким ат-Термизий ёзган дастлабки асари «Наводир ул-усул фи маърифат ахбор Расул» бўлса керак. Мавзуларининг хилма-хиллиги, кўтарилган масалалар ададининг кўплиги, ҳажмининг улканлигига қарамасдан бу асарида муаллиф бошқа бирорта асарини тилга ҳам олмаган, бирортасига ишорат ҳам қилмаган. Ваҳоланки, муаллиф аксар асарларида «Наводир ул-усул»га ишорат қилганки, демак, ўша асарлар ундан кейин ёзилган.

Аллома асарларининг мазмун-моҳиятига биноан уларни қуйидаги гуруҳларга бўлиш мумкин. Бир туркум асарлари муаллиф томонидан илм толибларига ўқилган маърузалар, матнлар шаклида бўлса, бошқа бир туркум рисолаларни аллома турли-туман муносабатларга бағишлаб ёинки ундан савол тарзида сўралган масалаларга жавоб, ўзига билдирилган эътирозларга раддия, бирон мураккаб, чигал масаланинг баёни ёинки дўсту биродарларига йўлланган мактублар ташкил қилган. Шу боисдан ҳам бу туркумга кирган рисолалар ал-Ҳаким ат-Термизийнинг бутун умри давомидаги илмий-ижодий фаолиятининг ўсиши билан тадрижий равишда, такомиллашиб борган, дейиш мумкин. Асарлар мазмуни ва хусусиятига қараб, уларни аллома яшаган даврдаги илм-фаннинг бирор соҳасига мансуб дейиш ҳам қийин. Унинг асарларини тўлиғича на тасаввуфий асарлар жумласига, на ҳадис илмлари, на фалсафий асарлар ёки калом ё фиқҳ илмлари жумласига мансуб этиб бўлмайди. Шу ўринда аллома илмий фаолиятини баҳолашда нозик бир қирра очилаётганга ўхшайди.

Гап шундаки, алломанинг илмий-ижодий фаолиятини ўрганган қатор тадқиқотчилар ҳам таъкидлаганларидек, ал-Ҳаким ат-Термизий асарларни таълиф ва тасниф этишда ўз даврида мавжуд бўлган йўлдан юрмади, балки у ўз диний қарашлари ва тасаввурларидан келиб чиқиб, ўзига хос алоҳида йўлни танлади. Аллома танлаган бу йўл ўша даврда бепоён ўлкаларгача бориб тарқалган, афсуски, диннинг асл моҳиятини бузиб, залолатга ботган тоифалар кўпайган бир давр бўлиб, ислом динининг ҳақиқий, асл моҳиятини тўғри талқин қиладиган, жамият учун ғоятда муҳим, фойдали йўл эди. Бу йўлнинг учта йўналиши бўлиб, улар қандай эътиқодга мансуб бўлишидан қатъи назар, фақат жамият манфаатларига, инсоннинг маънавий камолотига хизмат қилиши билан умумбашарий аҳамият касб этган эди. Ал-Ҳаким ат-Термизий таълимоти ибодат ёки маросим (арабча ат-туқус) ёинки шарийъат йўналиши, тасаввуф йўналиши ҳамда эътиқод йўналишидан иборат.

Булар ҳақида ўз фикрини билдирганда аллома ишлатган иборалар, истилоҳлар айнан шундай аталмаса-да, лекин шуларга яқин атамаларни қўллаган. Айни пайтда аллома асарларининг эътиборли томони шундаки, зарурат туфайли турли тоифаларга бағишлаб ёзилган асарларида айнан шу тоифаларга хос сийғалар тўлиқ равишда ўз ифодасини топарди. У ўз асарларидаги ғояларнинг турли ижтимоий гуруҳларга мансуб мусулмонлар орасида кенг кўламда тарқалишига алоҳида эътибор берарди. Бинобарин, жамият муайян эҳтиёжларидан келиб чиқиб, унинг асарлари хилма-хил услуб ва йўналишда яратилганлигини кўрамиз. Айни вақтда у ўз таълимотининг (мазҳабининг) янгилигини ҳам биларди ва шу боис ўша давр илмий доиралари миқёсида ўзига хос ўринни эгаллаб, шу пайтдаги билиш (ал-маърифа) назарияси ўртасида ўз мақомига эга бўлишга алоҳида эътибор билан қаради. Шунга кўра ҳам ўз қаламига мансуб асарларнинг аксар қисмига ёзган муқаддимасида билиш назарияси ва турли илмлар ҳақида жиддий тарздаги ғояларини илгари сурган. Шу тарздаги муқаддималарни, айниқса, муаллиф умрининг охирларида ўз таълимотини ҳимоя қилиб ёзган рисолаларида учратамиз.

Билдирилган фикрларни хулоса қилиб, ал-Ҳаким ат-Термизий ёзган асарларни тўрт асосий бобга бўлиб ажратиш мумкин. Бу тақсимлаш муайян даражада шартли бўлиб, у аллома қаламига мансуб асарларнинг ҳаммасини қамраб ололмайди, албатта. Шунингдек, бу бобларга ал-Ҳаким ат-Термизийнинг ўз дўсту биродарлари сўраган саволларга жавоб тарзидаги кундаликлари (ал-йавмиййот), у ташкил қилган илмий мажлислардаги маърузалари ва сўзлари кирмаган, гарчанд баъзи ҳолларда бу тарздаги кундаликлар муаллифнинг таълимоти ва қарашларини ёркин ифодалаган бўлса-да.

**Убайдулла УВАТОВ,**
**филология фанлари номзоди.**

Бокс

***"Андижонринг" профессионал бокс клубининг ташкил этилганига эндигина тўрт ой бўлди. Бироқ ана шу вақт мобайнида клуб профессионал боксчилар "жанги"ни ўтказишга, "Олтин камар" соҳибини аниқлашга, энг муҳими, иқтидорли спортчиларни ўз атрофига жипслаштиришга муваффақ бўлди.***

# «Олтин камар» соҳиблари

Икки оғиз сўз клуб президенти Анвар Убаев ҳамда менеджер Турдали Ўзгумовлар ҳақида. Анваржон Тошкент жисмоний тарбия институтининг бокс гуруҳини тамомлагач, "Шамсий" деб номланган шарқ якка курашлари клубига узоқ йиллар раҳбарлик қилиб келди. Турдали эса собиқ боксчи, таниқли мураббий. У ўнлаб номдор чарм қўлқоп усталари, жумладан, Олимпиада ва жаҳон чемпиони Муҳаммадқодир Абдуллаевнинг биринчи мураббийларидан. У менежерлик лицензиясига эга бўлган республикамиздаги ягона мутахассис.

— Клуб тузишни ҳаётнинг ўзи тақозо этди, — дея сўз бошлади Анваржон. — Маълумки, Андижонда бокснинг ўзига хос мактаби яратилди. Бугунги кунда қатор спортчиларимизнинг номлари нафақат мамлакатимизда, балки жаҳонда ҳам машҳур. Қувончлиси, улар ортидан юзлаб истеъдодли ёшлар — умидимиз чечаклари эргашмоқда. Бу — келажакда профессионал бокснинг барча йўналишлари бўйича Осиё, жаҳон чемпионлари етишиб чиқади, улар Ватанимиз довруғини оламга таратади, дегани.

Яқинда Андижон шаҳридаги муҳташам "Наврўз" ўйингоҳи минглаб мухлисларни ўз бағрига чорлади. Бу ерга мамлакатимизнинг номдор чарм қўлқоп усталари, мураббийлар ташриф буюришди. Вилоят ҳокими совринн учун профессионал боксчиларнинг муросасиз "жанг"лари бўлиб ўтди. Боксчилар рейтинг очколари ва "Ўзбекистон Олтин камари" учун беллашдилар. 52,5 кг. вазн тоифасида андижонлик Қаҳрамон Орзиқулов тошкентлик Ҳамид Тўлаганов устидан, 72,5 кг. вазндаги яна бир андижонлик Шерзод Мамажонов пойтахт вакили Рамзиддин Эшонов устидан ғалаба қозонди. "Олтин камар" учун бўлган курашда Зиёвиддин Тайганбоев Элдор Назаровни енгди. Зиёвиддиннинг учинчи раундда Элдорга берган кучли зарбаси унга муддатидан илгари ғалаба келтирди. Андижонлик моҳир спортчи Мирзоҳид Жиянбоев бухоролик Акмал Арслоновга ютқазиб қўйди. Шундай қилиб "Олтин камар" З. Тайганбоев билан А. Арслоновга насиб этди.

Шуни ҳам айтиш кераккки, клуб ўз-ўзидан оёққа тургани, қаддини ростлагани йўқ. "Андижонринг"нинг ташкил этилишида "Асакаёғ", "Андижонёғмой", "Хўжаободшароб", "Антекс", Бобур номли ип-йигирув корхонаси каби қатор жамоаларнинг ёрдамлари катта бўлди.



СУРАТДА: профессионал бокс устаси (чапда) Қ. Тайганбоев афсонавий спортчи А. Лебзек билан.
**М. АМИН (ЎзА) олган сурат.**

**О. ШОДМОНАЛИЕВ,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**

# Санъат сеҳри



*Мусиқа ва санъатга ошифта кўнгилларда меҳр-муҳаббат, янгиликка интилиш, яхшиликка мойиллик қулф уради. Балки фарзандларимизнинг ёшлигидан бошлаб санъатга, хусусан, мусиқага яқин бўлишига ҳаракат қилишимиз шундандир. Пойтахтимиздаги В. А. Успенский номли махсус мусиқа мактаби ҳам ҳар йили юзлаб ўқувчиларни ўз бағрига олади, кўплаб ёшларни эса учирма қилади. Бу ерда таълим олаётган ёш мусиқачилар нафақат юртимиз саҳналарида, балки Италия, Франция, Германия сингари ўнлаб хорижий мамлакатларда ҳам ўз санъатларини намойиш этишга улгуришган.*

***СУРАТДА: мактаб директори ўринбосари Д. Жамолова Жанубий корейлик шогирди У. Ан билан машғулот пайтида.***

**Дилшод ЮСУПОВ (ЎзА) олган сурат.**

### ҲИКМАТ

*Тириксен неча яхшилик сори боқ,*
*Етар коми дилинг бу ишдин фироқ.*

## Озиш бўйича рекорд

Яқин-яқингача озиш бўйича рекорд америқолик Онито Колбага тегишли эди. Бу аёл 15 ойда 70 килога озганди. Эндиликда эса филиппинлик Эрма Росси рекордчи ҳисобланмоқда. У бир йилда 77 килога ихчамлашган.






## Нафсингга балли!

Бланкил оролларидан бирида яшовчи Жоано Негрин еб тўймаслар хилидан. У эрталабки нонуштага уч кило пиширилган картошка ва беш қадоқ қайнатилган (тушенка) гўштни паққос туширади. Сўнг уларни танасига бироз сингдириш учун 4 литр маҳаллий пиво ҳамда 1 кило мева истеъмол қилгачгина ўзини тўкроқ ҳис этади.

Тушлик пайтида эса бир ярим литр винони бир ярим кило пиширилган гўшт қиймаси ва 2 кило чўчқа гўшти билан тинчитади. Кечқурун кўпам ошқозонига жабр қилмайди, яъни 3 килогача ҳўл мевани паққос туширади, холос.

# Янги газета

**Гулистонда шаҳар тадбиркорлар палатаси таъсис эттан «Тадбиркор» номли янги газетанинг илк сони босилиб чиқди. Унда шаҳардаги бир қанча тадбиркорларнинг меҳнат фаолияти, ютуқ ва муаммолари ўз аксини топган.**

**— Қоғоз тақчил бўлган ҳозирги шароитда янги газета чиқариш анча мушкул иш, — дейди бош муҳаррир Эркин Норматов. — Аммо шаҳар тадбиркорлар палатаси ва бошқа ҳомийларимиз кўмаги билан бу муаммони бартараф этдик.**

**Умид қиламизки, узоқ йиллар мобайнида газета тадбиркор ва ишбилармонларнинг яқин ёрдамчиси ва маслаҳатчиси бўлиб қолади.**

**А. ХОНИМҚУЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**


**М.АШРАФИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ КОНСЕРВАТОРИЯСИ**

***2001 йил учун қуйидаги ихтисосликлар бўйича аспирантура ва ассистент-стажёрликка қабул эълон қилади.***

**Аспирантурага**

***17.00.02 — Мусиқа санъати (кундузги, 1 ўрин).***

**Ассистент-стажёрликка**

***Фортепиано, жўрнавозлик маҳорати, бастакорлик (кундузги, 3 ўрин).***

***Ҳужжатлар 2001 йил 22 октябргача қабул қилинади.***

**Манзил: 700000, Тошкент шаҳри, Пушкин кўчаси, 31-уй, аспирантура бўлими, телефон 133-67-70.**

4888

***«Жиззахмебель» фабрикаси, ОКПО коди 02003149, тугатилади. Барча даъво ва аризалар эълон чоп этилган кундан бошлаб бир ой давомида қуйидаги манзилда қабул қилинади: Жиззах шаҳри, Саноат ҳудуди Б-1, «Жиззахмебель» фабрикаси. Телефонлар: 4-26-64, 4-44-37.***





Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги коллегияси, марказий аппарати ва жамоат ташкилотлари Оролни қутқариш халқаро жамғармаси бошқаруви аъзоси Рим Абдуллаевич Гиниятуллинга падари бузруквори

**Абдулла ота ГИНИЯТУЛЛИНнинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Ўзбекэнерго» давлат-акциядорлик компанияси раҳбарияти ва жамоаси Режа-иқтисод бошқармаси сектор бошлиғи

**Раҳмат РАШИДХЎЖАЕВнинг**

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

«Ўзбекэнерго» давлат-акциядорлик компанияси раҳбарияти ва жамоаси бош бухгалтер муовини Шоистахон Абдуллаевна Ваҳобовага онаси

**Василахон ая САИДАҲМЕДОВАнинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ва Бош давлат экологик экспертиза жамоалари Бошдавэкоэкспертиза бош мутахассиси Н. В. Короловага отаси

**Владимир ГЕЙНЦнинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.


**«ХАЛҚ СЎЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО»**

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Аббосхон УСМОНОВ

**Таҳрир ҳайъати:**
Э. БОЛИЕВ (масъул котиб — «Халқ сўзи»),
М. ЕГОРОВ (масъул котиб — «Народное слово»),
Ш. ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»),
С. ЗИНИН,
М. МИРАЛИМОВ,
С. МУҲИДДИНОВ,
Ш. РИЗАЕВ,
М. САФАРОВ,
Р. ФАРҲОДИЙ,
И. ХУДОЁРОВ,
И. ШОҒУЛОМОВ,
О. ҚАИПБЕРГЕНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»),
Ў. ҲОШИМОВ.

**БЎЛИМЛАР:**
*Ижтимоий-сиёсий ҳаёт — 133-57-34; 133-78-92*
*Иқтисодиёт — 136-36-65; 132-10-65*
*Маънавият ва маърифат — 136-35-60;*
*Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар — 136-29-89, 133-07-48;*
*Фан, соғлиқни сақлаш ва халқ таълими — 132-12-08;*
*Янгиликлар ва халқаро ҳаёт — 132-11-15;*
*Котибият — 133-10-28;*
*Эълонлар — 136-09-25.*

**Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00001-рақам билан рўйхатга олинган.**
Буюртма Г — 2815, 20397 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2.

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ҳамда операторлар Ж. ТОҒАЕВ ва З. БОЛТАЕВ томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — А. ОРИПОВ.
Навбатчи муҳаррир — Н. ТОШЕВ.
Навбатчи — М. НОРМАТОВ.
Мусаҳҳиҳ — Ш. МАШРАББОЕВ.

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.
[t] — тижорат материали.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

*Босишга топшириш вақти — 21.00.*
*Топширилди — 21.00.*
1 2 3 4 5 6